


Нима учун гуноҳ иш қилдинг?



11:30 / 19.09.2019 3480

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг Қиёмат сурасида шундай марҳамат қилади:

تَجْمَعُ الْاِنْسَانَ اِيْحْسَابُ ۝۲ اللّٰوَامَةِ بِالْنَفْسِ اُقْسِمُ وَلَا ۝۱ الْقِيَمَةِ يَوْمِ اُقْسِمُ لَا

بِنَانِهِ، تُسْوِي اَنْ عَلٰى قَدْرَيْنِ بَلٰى ۝۳ عِظَامَهُ، ۝۴

«Қиёмат куни билан қасам. Ва маломатчи нафс билан қасам. Инсон Бизни унинг суюқларини жамлай олмас, деб ўйларми? Аксинча, унинг бармоқ учларини ҳам тиклашга қодирмиз» (1-4 оятлар).

Қиёматга ишониш Исламда иймон арконларидан биридир. Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан иймон ҳақиқатидан сўралганда, у зот: «Аллоҳга, фаришталарга, илоҳий китобларга, Пайғамбарларга ва охират кунига иймон келтирмоғинг ва яна яхши-ёмон тақдир ҳам Аллоҳдан эканига

иймон келтирмоғинг (иймондир)», деганлар.

Ва маломатчи нафс билан қасам.

«Маломатчи нафсдан» мурод мўмин кишининг нафсидир. Чунки у ўз эгасини доимо маломат қилиб (тергаб) туради. Гуноҳ иш қилса, «Нима учун гуноҳ иш қилдинг? Аллоҳдан кўрқмайсанми? Охиратда нима деб жавоб берасан» маломат қилади. Савоб иш қилса, «Бу оз-ку, кўпроқ қилсанг бўлмайдими? Қанча кўп савоб иш қилсанг, ўзингга фойда-ку», деб маломат қилади. Тасаввуф мактабининг машҳур намояндаси, Ислом оламида катта ҳурматга эга бўлган олим имом Ҳасан Басрий: «Яхши одам доимо ўз нафсини маломат қилиб туради, фожир одам нафсини итоб қилмай юраверади», – деганлар.

Келгуси оятда Аллоҳ таоло қиёматни инкор қилувчиларга ҳужжат келтиришга ўтади.

Инсон Бизни унинг суякларини жамлаб олмас, деб ўйларми?

Кунлардан бирида араб мушрикларидан Адий исмли киши Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам билан гаплашиб ўтириб, қиёмат ҳақида сўзлаб беришни сўради. Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга бир оз қиёмат ҳақида сўзладилар. Шунда Адий: «Аллоҳга қасамки, ўша кунни ўз кўзим билан кўрсам ҳам, сенга ишонмайман, эй Муҳаммад, сенга ҳам, ўша кунга ҳам иймон келтирмадим, Аллоҳ ўлган одамнинг суякларини тўплаши мумкин эканми?» – деди. Аллоҳ таоло унга раддия қилиб, ушбу оятларни нозил қилди.

Албатта, Биз унинг бармоқ учларини ҳам тиклашга қодирмиз.

Ушбу оят Қуръони Каримнинг илмий мўъжизаларидан биридир. Тупроққа кўмилган ўлик бир муддатдан сўнг чириб битади. Ўша чириб, тупроққа аралашиб кетган инсоннинг қиёмат куни қайта тирилишига кўпчилик ишонгиси келмайди. Юқорида тилга олинган мушрик Адийга ўхшаб, ҳайрон бўлади.

Аллоҳ таоло бўлса: «Бунга ҳайрон бўлишнинг ҳожати йўқ, Мен нафақат танани, балки ўша танадаги нозик, дақиқ жойларни, чизиқларни ҳам, жумладан, бармоқ учларини ҳам, аввал қандай бўлса, худди шундай ҳолига келтираман», – дейди.

Нима учун Аллоҳ таоло бу оятда инсон аъзолари ичидан айнан бармоқ учини танлаб олди?

Инсоннинг бошқа аъзолари бировники иккинчисиникига ўхшаши мумкин. Лекин ҳеч қачон бирорта одамнинг бармоқ учлари бошқа шахсникига ўхшамас экан. Бу ҳақиқатни одамлар ўтган асрга келибгина англаб етдилар. 1884 йилдан бошлаб, Англияда одамларни бармоқ изидан аниқлаш бошланди. Бармоқ излари турлича бўлиб, дунёда ҳеч қачон бир кишининг бармоқ чизиқлари иккинчи шахсникига ўхшамас экан. Бу далил Қуръоннинг ҳақиқий илоҳий Китоб эканини яна бир бор исботлайди. Кўпчилик мазкур оятнинг таъсиридан Исломи динини қабул қилганлар.

Шу ерда мулоҳаза қилинади: хўш, нима учун инсоннинг бошқа аъзолари эмас, айнан бармоқ учи? Бунинг сабаби шуки, инсоннинг бошқа аъзолари – кўзми, бурунми ёки бошқа аъзоларми, иккинчи бир инсонникига ўхшаши мумкин. Бармоқ учлари эса такрорланмас, ҳеч кимники бошқа бировникига ўхшамас экан.

Демак, Аллоҳ дунёда ўтган барча инсонларнинг сон-саноксиз бармоқларини ҳам қиёмат куни дунёда қандай бўлса, шундай ҳолга келтира олишини таъкидламоқда.

***«Қуръон ва суннатдаги илмий мўъжизалар» ва «Тафсири
Ҳилол» китоби асосида тайёрланди.***